

Мухамеджанова Муниса Анваровна

Тошкент вилояти Қибрай тумани 11- сонли умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Аннотация: Алишер Навоий ва Захриддин Мухаммад Бобур таваллуд топган кунига бағишлаб юртимиз мактаблари, лицейлар, олий ўқув юртларида кенг нишонланиб келинмоқда биргина мисол тариқасида оладиган бўлсак Қибрай тумани 11-сонли мактабда ҳам “Икки буюк даҳо” мавзусида адабий – бадиий кеча ўтказилди. Кечада ўқувчилар шоир Алишер Навоий ва Захриддин Мухаммад Бобур қалмига мансуб газал, рубоий, ҳамда ҳикматли сўзларни ижро этиб, йиғилганларни мамнун этдилар.

Калит сўзи: мутафаккир, буюк, шеърят, сиймо

Юртимиз бўйлаб буюк мутафаккир, сўз мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 583 йиллиги кенг нишонланмоқда. Бизга маълумки, Алишер Навоий бадиий ижод билан бирга илмий фаолиятни тенг олиб борган буюк мутафаккирдир. Унинг адабиётшунослик, тилшунослик, тарих, дин тарихи ва назариясига доир кўплаб асарлари муҳим маълумотларни қамраб олганлиги, аниқ далилларга асосланганлиги ва объектив хулосаларга эгалиги билан бугунги кун илм-фани учун ҳам ниҳоятда қимматлидир. Мана беш юз йилдан ортиқ муддатки, Алишер Навоий халқ фахри, тилимизнинг байроқдори, шеърят мулкининг султони, маданият ва маънавиятимизнинг порлоқ қуёши бўлиб келмоқда.

Навоийга ўхшаш дохий шоирлар тасодифан дунёга келмайди. Бунинг учун жуда яхши шаклланган ижтимоий-маданий муҳит ва ривожланган иқтисодий-сиёсий шароит зарурдир. Навоий ўн бешинчи аср фарзанди. Лекин унинг ижодий шахсияти Амир Темур асос солган буюк салтанат билан, шу салтанатдаги маърифий-маънавий кўтарилишлар билан чуқур боғлиқ. Амир

Темур Мирзо Улуғбек тақдирида қанчалик муҳим ролни бажарган бўлса, темурийзода Ҳусайн Бойқаро ҳам Навоийнинг Навоий бўлишида алоҳида ҳисса қўшган. Шунинг учун Амир Темур ҳукмронлиги даврларида шаклланган ва ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида ибратли натижалар берган давлатчиликдаги бирлик туйғуси Навоийни кўп илҳомлантирар эди. “Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихида, - деб ёзганди академик Иззат Султон, - “Темур ва темурийлар даври” деб аталмиш палла Навоийнинг таҳсин ва ғурурини уйғотар эди, чунки бу давр “турк улуси” зодагонларининг ҳокимият бошига келиши ва миллий маданият ҳамда адабиётнинг тараққиёти даври бўлди.

Навоий меросини ҳар томонлама теран ва ҳаққоний ўқиб ўзлаштиришда, ҳеч шубҳасизки, илм керак. Лекин у илон тимсолидаги илм бўлмаслиги лозим. Ақл, юрак, руҳ ва илмни ҳамжиҳат - уйғунликда ишлата олган одам Навоийнинг ижод гулшанига ортиқча қийинчилик сезмай, яйраб кириб боради ва сўнгги нафасигача ундан ажралмайди. Тарихдан маълумки, тасаввуф бизнинг адабиётимиз, санъатимиз ва мусиқамиз тараққиётига алоҳида таъсир ўтказган таълимотдир.

Алишер Навоий ўзбек адабиёти ва маданияти тарихидаги улуғ сиймолардан биридир. Замондошлари уни “Низомиддин Мир Алишер” деб улуғлаганлар. “Низомиддин” - дин низоми деганидир. Кўпинча, мансаб эгаларига нисбатан айтилган “мир” - амир демакдир.

Низомиддин Мир Алишер Навоий- шоир, мутафаккир, жаҳон адабиётининг етук сиймоларидан бири, давлат арбоби, файласуф.

Ҳаёт йўли -Алишер Навоий 1441 йил 9 февраль куни Хуросон давлатининг пойтахти - ҳозирги Афғонистон ҳудудидаги Ҳирот шаҳрининг Боғи Давлатхона мавзесида туғилди. Отаси Ғиёсиддин Муҳаммад - Темурийлар саройида хизмат қилган, ўз даврининг нуфузли кишиларида бири, ўғлининг тарбияси ва таълимига жиддий эътибор берган. Онаси (исми номаълум) Кобул амирзодаларидан Шайх Абусаид Чангнинг қизи экани айтилади. Навоийнинг ота-онаси ҳақида маълумотлар кам, у ўз асарларида ҳам

қариндошлари ҳақида батафсил маълумотлар бериб ўтмаган. Навоийнинг Дарвеш-али исмли укаси бўлгани ҳақида маълумотлар бор.

XV асрнинг етук адабиётшунос олимларидан бири бўлган Давлатшоҳ Самарқандий "Тазкирот ун-шуаро" ("Шоирлар тазкираси")да Навоийнинг отаси ҳақида "Навоийнинг отаси Абдулқосим Бобурнинг ишончли кишиси Чигатой улуси улуғларидан эди" дея қисқача маълумот бериб ўтган. Шу билан биргаликда у Фиёсиддин Муҳаммаднинг ҳарбий бўлганини ҳам таъкидлаган.

Бўлажак шоирнинг шеърятдаги биринчи устозлари тоғаси Мир Саййид Қобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийлар бўлган. Навоий улар ҳақида "Мажолис-ун нафоис"да, хусусан, Қобулий ҳақида: *"Яхши табъи бор эрди, туркчада майли кўпроқ эрди..."* дея, Ғарибий ҳақида эса: *"Хуш муховара (хушсуҳбат) ва хушхулқ ва дардманд йигит эрди. Кўпроқ созларни яхши чалар эрди. Уни ва усули хўб эрди. Мусиқий илмидин ҳам хабардор эрди..."* дея қисқача тўхталиб ўтган.

1447 йилда Шоҳрух Мирзо вафот этади. Темурий шаҳзодалар ўртасида тож-тахт учун уруш кетиб, юртда талотўплар бошланганда Алишер Навоийнинг оиласи ҳам кўп инсонлар қатори юртни тарк этади. Йўлда ёш Алишер буюк тарихчи Шарафиддин Али Яздийни учратади. Тарихчи Алишер билан танишади, унинг илми ва фаросатини олқишлайди, дуо қилади. 1452 йили Шоҳрухнинг набираси Абулқосим Бобур Ҳирот тахтига ўтиради. Фиёсиддин Муҳаммад Сабзавор шаҳрига ҳоким етиб сайланади, бироқ орадан кўп ўтмай вафот этади. Бу вақтда эса Алишер эндигина 12 ёшга қадам қўяди. Абулқосим Бобур Алишер ва унинг мактабдош дўсти Ҳусайн Бойқарони ўз қарамоғига олади. 1457-1463 йилларда Навоий Машҳад мадрасаларида таълим олади.

1463 йилда эса Ҳиротга қайтади. Хуросон пойтахтида Султон Абу Саид ўз тартибини ўрнатган, муҳим вазифаларга у билан Мовароуннаҳрдан келган кишилар тайинланган, Алишер Навоий га яқин кишилар қувғин қилинган, Ҳусайн Бойқаро билан бирга кетган тоғалари — Мирсаид ва Муҳаммад Али урушда ҳалок бўлган, яшаш учун бирон жой топиш муаммо эди. Алишер

Навоийнинг ўша кунлардаги аҳволи унинг кейинчалик устози Сайид Ҳасан Ардашерга Самарқанддан ёзган мактубидаги шеърий сатрларда ниҳоятда таъсирли ва ҳаққоний ифодалаб берилган.

Бу вақтда мамлакатда таниқли шоир бўлиб қолган Алишер Навоийни Абу Саид таъқиб қилиб, Ҳиротдан чиқариб юборади. Шоир Самарқандга кетишга мажбур бўлади. Алишер Навоий Самарқандда 1465 йилдан 1469 йилнинг баҳоригача яшади, Фазлуллоҳ Абу Лайс мадрасасида ўқиб, турли фанларга оид билимларини янада чуқурлаштирди.

1500 йилларда шоирнинг ҳаёт шароити қийинлашади. Саломатлиги ёмонлашади, бироқ у ижоддан тўхтамайди. 1501 йил 3 январда Навоий касалликдан вафот этади. Бутун Ҳирот халқи буюк шоири учун 7 кун давомида мотам тутади.

Шоир ижодиёти - Алишер Навоий икки тилда мукамал ижод қилган. Туркий тилда “Навоий”, форсий тилда эса “Фоний” тахаллусларини қўллаган.

Алишер Навоийнинг адабий ва илмий меросини 4 фаслга бўлиш мумкин: 1. Девонлари. 2. Достонлари. 3. Форсий тилдаги шеърий мероси. 4. Илмий-филологик, насрий ва тарихий асарлари.

Алишер Навоийнинг ўзбек тилида яратган шеърий мероси асосан "Ҳазойин ул-маоний" девонига жамланган. Асар 4 қисмдан иборат. Девоннинг биринчи қисмига "Ғаройиб ус-сиғар" ("Болалик ғаройиботлари"), иккинчи қисмига "Наводир уш-шабоб" ("Йигитлик нодиротлари"), учинчи қисмига "Бадоеъ ул-васат" ("Ўрта ёш бадиалари") ва ниҳоят, тўртинчи қисмига "Фавойид ул-кибар" ("Кексалик фойдалари") деган номлар берилди. "Ҳазойин ул-маоний" инсон боласининг мураккаб ва юксак тафаккури ҳамда беҳисоб ҳис-туйғулари билан боғлиқ мингларча шеър ва ўнларча шеър турларини ўз ичига олган мажмуа бўлиб, Шарқ адабиёти тарихида ноёб ҳодисадир. Бу хил мажмуа Алишер Навоийга қадар Амир Хисрав Деҳлавий томонидангина тузилган. Ушбу девонга кирган мингларча шеърларни Алишер Навоий бутун умри давомида турли шароитларда, ҳар хил сабаблар билан ёзган бўлиб, улар шоир ҳаёти ва у яшаган давр билан сонсиз-саноксиз иплар орқали боғланган.

Алишер Навоий "Хазойин ул-маоний" га қадар "Илк девон", "Бадоеъ ул-бидоя", "Наводир ун-нихоя" девонларини тузган. "Хазойин ул-маоний" ана шу 3 девонга кирган ҳамда "Наводир ул-нихоя" тузилгандан кейин ёзилган шеърлар асосида юзага келган.

"Хазойин ул-маоний"даги 4 девоннинг ҳар бирида 650 тадан 2600 ғазал, умуман 4 девонда 210 қитъа, 133 рубоий, 86 фард, 52 муаммо, 13 туюқ, 10 мухаммас, 10 чистон, 5 мусаддас, 4 таржеъбанд, 4 мустазод, 1 мусамман, 1 таркиббанд, 1 қасида, 1 маснавий, 1 соқийнома мавжуд бўлиб, Шарқ шеърятининг 16 тури намоёндр.

1472-1476-йилларда биринчи девони "Бадоеъ ул-бидоя" ("Бадийлик ибтидоси") девонини шоҳ амри ва истаги билан ўзи китоб қилади. Мазкур девон 777 ғазал, 85 рубоий, 52 муаммо, 46 қитъа, 53 фард, 10 туюқ, 10 луғз, 3 мустазод, 5 мухаммас, 3 таржеъбанд, 2 мусаддасдан таркиб топган.

Алишер Навоий бутун ижоди давомида турли жанр ва йўналишларда салмоқли ижод қилган. Насрда ҳам, назмда ҳам етук асарлар яратган. Насрда Навоий асосан ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий ва илмий-фалсафий, иқтисодий йўналишларда қалам тебратган.

Давлат ва жамоат арбоби - Навоий 1469-1472-йилларда муҳрдор, 1472-1476-йилларда вазир бўлиб ишлайди. 1487-1488-йилларда Астробод шаҳрига ҳокимлик қилади.

Алишер Навоий Хусайн Бойқаро саройида юксак ваколатли кишилардан бўлган. Бойқаро болаликдаги дўстини ўзига бош вазир этиб тайинлайди. Подшоҳ Бойқаро доимо Навоийнинг маслаҳатларига амал қилган, шу сабабли, у бошқарган йиллар, нисбатан тинчликда, шаҳарсозлик, санъат ривож топган даврлар бўлган. Навоий вазир бўлган йилларида Ҳиротда ободонлик авж олган, маданият ривожланган. Шоир ўзи бош бўлиб, сувсиз ерларга сув чиқарган, эски ариқларни тозалаттирган, янги каналлар қаздирган. Эски биноларни таъмирлатиб, янгиларини қурдирган. Қанчадан-қанча мадрасалар, хонаҳоқлар солдирган.

Жумладан "Вақфия" асарида Навоий вақф ерлари, мулклари, миқдори,

фойдаланиш, вақф мулки ва маблағи эвазига қуриладиган бино ва иншоотлар, бу йўналишда мадраса ва хонақоҳларда ўрнатилган тартиблар ҳақида фикр юритган ва ўз маблағлари эвазига қурдирган хайрия муассалари, илмий-маданий бинолар ва боғларни санаб ўтган. Асар Навоийнинг давлаб арбоби сифатида ва Ҳусайн Бойқаро билан муносабатларини ўрганиш учун муҳим манба ҳисобланади.

Хондамирнинг қайд қилишича, 80-йиллар давомида Алишер Навоий ўз маблағлари ҳисобидан Ҳиротда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида бир неча мадраса, 40 та работ, 17 масжид, 10 хонақоҳ, 9 ҳаммом, 9 кўприк, 20 га яқин ҳовуз қурган ёки таъмирлаттирган. Улар орасида Ҳиротдаги "Ихлосия", "Низомия" мадрасалари, "Халосия" хонақоҳи, "Шифоия" тибгоҳи, Қуръон тиловат қилувчиларга мўлжалланган "Дорул-хуффоз" биноси, Марвдаги "Хусравия" мадрасаси, Машҳаддаги "Дорул-хуффоз" хайрия биноси ва бошқа ноёб меъморлик ёдгорликлари бор.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек адабиётининг йирик намоёндаларидан бири, шоир, адиб, олим, саркарда, йирик давлат арбоби, “Буюк Бобурийлар сулоласи” асосчиси.

Ҳаёт йўли - Бобур 1483 йили 14 февралда Андижон шаҳрида, Фарғона улусининг ҳокими Умаршайх Мирзо ва асли чингизийлардан бўлган малика Қутлуғ Нигор Хоним оиласида дунёга келади. “Бобур” сўзи форсий тилидан “бабр”, яъни “барс”, “йўлбарс” деган маънони билдиради. Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо Соҳибқирон Амир Темур авлодидан. Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳ Мирзонинг эвараси бўлган. Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигор-Хоним мўғул хонларидан бири Юнусхоннинг қизи бўлган.

Барча шахзодалар сингари Заҳириддин Муҳаммад Бобур таълим ва тарбияни отасининг саройида олади. Бироқ отадан жуда эрта етим қолади. 1494 йили Умаршайх Мирзо бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этади. 12 ёшида Бобур отасининг ўрнига тахтга ўтиришга мажбур бўлди. У ҳукмдор бўлган дастлабки йилларда Темурий шахзодалар ўртасида тожу тахт учун аёвсиз кураш авж олади. Ёш Заҳириддин Андижон тахти учун амакиси Султон Аҳмад

Мирзо ҳамда укаси Жаҳонгир Мирзо билан курашишига тўғри келади. Бобур укаси билан мурасага келишга ҳаракат қилади Жаҳонгир Мирзога Фарғона улусини иккига тақсимлаб, ярмини топширади. Ўзи эса Самарқанд учун бўлаётган курашларга киришади.

Курашлар ҳеч қандай натижа бермайди, унда катта ҳарбий кучга эга бўлган Шайбонийхоннинг қўли баланд келади. Бобур Самарқандни ташлаб кетади. Бироқ Шайбонийхон 1504 йили Андижонни ҳам қўлга киритади ва Бобур жануб томон бош олиб кетишга мажбур бўлади. Кобул улусида ўз ҳокимиятини ўрнатади. 1505-1515 йиллар давомида у Марказий Осиёга қайтишга ҳаракат қилади, бироқ бу уринишларидан ҳам ҳеч нарса чиқмайди.

Бобур ўз мавқеини тиклаш мақсадида 1519-1525 йилларда Ҳиндистон учун бир неча бор жанглар олиб боради. 1526 йил Панипатда Ҳиндистон султони Иброҳим Лўди билан жанг қилади. 1527 йили эса Читора ҳокими Рано Санго билан курашади. Икки курашда ҳам Бобурнинг қўли баланд келади. Шу тариқа Бобур Ҳиндистонда ўз ҳокимиятига асос солади. Бобур асос солган сулола тарихда энг йирик сулолалардан бири бўлиб, унинг авлодлари 350 йилдан ортиқ Ҳиндистонга ҳукмронлик қилади.

Бобур ҳукмронлиги даврида Ҳиндистон гуллаб-яшнади. Адабиёт, санъат, шаҳарсозлик ривожланади. Унинг ўғиллари ва авлодлари даврида Ҳиндистон қудратли мамлакатлардан бирига айланди. Бобурнинг авлодлари бобосининг бунёдкорлик ишларини муносиб давом эттиришади. Мамлакатда мукаммал маънавий-руҳий муҳит вужудга келади. Ҳиндистон тарихида Бобурнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Йирик ҳинд олими Жавоҳарлаъл Неру у ҳақида шундай дейди: “Бобур Ҳиндистонга келгандан кейин катта силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, архитектурага тоза ҳаво бахш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир-бирларига тутшиб кетди”.

Булардан сўнг Бобур узоқ яшамади: 1530 йили Аграда 47 ёшида вафот этади. Ривоятларга кўра, Бобурнинг тўнғич ўғли Ҳумоюн Мирзо оғир дардга чалинади. Бобур уч кечаю уч кундуз Яратгандан ўғлининг дардига шифо сўраб, фарзанди чекаётган дардни ўзига беришини сўрайди. Ҳумоюн Мирзо

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

тузалади, бироқ Заҳриддин Муҳаммад Бобур кўп ўтмай вафот этади.

Бобур ижоди - Бобур ўзбек тарихида том маънода йирик шахс. Унинг тарихчи олим, зукко адиб ва дилбар шоир сифатида қолдирган адабий мероси бебаҳодир. Бобур ҳукмдорлик мажбуриятларидан ортиб йирик асарлар ёзишга муваффақ бўлган. Унинг лирикаси адабиётдаги ўзига хос лирика. Шубҳасиз, шеърятининг асосий мавзуи Ватан, Ватан соғинчи бўлган. Тахт учун қондош ака-укаларнинг душман бўлиб курашиши, атрофдаги инсонларнинг хиёвати, ватанини бирлаштиролмаганидан сўнг тортган азоблари ва ниҳоят умрининг сўнггигача Ватан соғинчи унинг шеърятига кўчган десак муболаға бўлмайди. Бу мавзулар Бобур ғазаллари, рубоийларида кенг ёритилган.





Хулоса сифатида айтадиган бўлсак икки буюк зот Мир Алишер Навоий ва Захриддин Муҳаммад Бобур бизнинг адабиётимиз ва тарихимизга ўзининг асарлари ва давлат тизимини бошқаришдек самарали даврни мерс қолдирган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Навоий Алишер. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1997. 13-жилд.
2. Навоий Алишер. Муҳокамат ул-луғатайн. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 2000. 16-жилд. – Б.6-40
3. Навоий Алишер. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 2000. 16-жилд. – Б.42-95.
4. Навоий Алишер. Муфрадот. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 2000. 20-жилд. – Б.367-418.
5. Юсупова Д. Жомий ва Навоий: арузга доир рисоаларнинг қиёсий таҳлили / Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010.
6. Иброҳим Ҳаққул. “Навоийга қайтиш”. “Фан” нашриёти. Тошкент- 2007.
7. Захриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / П.Шамсиев, С. Мирзаев ва Э. Мано нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи С. Ҳасанов. – Тошкент: “Шарқ”, 2020, -Б.336.
8. 4 Бўриев О. Фарғона водийсининг Темурийлар манбаларидаги тавсифи. Тошкент: “Академнашр”, 2018, - Б. 110-111;
9. Захриддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси /Бош муҳаррир – А. Аъзамов. –Тошкент: “Sharq”, 2014; Тузатилган иккинчи наشري, -Тошкент: “Sharq”, 2017(Ушбу китобдаги Марказий Осиёга оид жуғрофий атамалар

муаллифи О. Бўриев); Захириддин Мухаммад Бабур. Бабуриды. Библиография/ Сост. Ш. Ш. Рустамходжаев, -Москва: Изд-во вост. Лит-ры, 2016; Мадраимов А. Средневековые города великого шелкового пути в “Бабур-наме” Захириддина Мухаммада Бабура / Материалы международной научно-практической конференции: «Средневековые города великого шелкового пути». 18-20 октябрь, 2018 год. / отв. Ред. Н. Ахмеджанов. – Туркестан, 2018, - С. 40-42.